

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 25 февраль, № 38 (6221) Чоршанба


# СОҒЛОМ БОЛА – ЖАМИЯТ КЎРКИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

## Президентимиз Ислом Каримов раислигида 24 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари ўтган йили Жамғарма томонидан амалга оширилган ишлар, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритди.

— Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, — деди Президентимиз. — Спорт одамларнинг оиласига, онгига кирди, турмуш тарзига айланди. Ота-оналар ўзлари болаларини спорт тўгаракларига етаклаб келмоқда. Спорт билан шуғулланган ўғил-қизларимиз соғлом, бақувват ва қатъиятли бўлиб улғаймоқда, уларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз бу борада ҳам уйғонди.

Мамлакатимизда бу олижаноб мақсад йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишлардаги ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Болалар саломатлиги бу борадаги ишларнинг энг муҳим босқичидир. Зеро, соғлом бола соғлом инсон бўлиб вояга етади. Руҳи тетик, тани бақувват, фикри тиниқ бўлади. Ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошира олади. Ота-онасига, элу юртига наф келтиради.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шундай баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарма ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилди. Улар замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Бу, шубҳасиз, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, ёшларимизнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритиши, халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузининг янада ошишига замин яратди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 278 болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Улар 30 мингдан ортиқ янги мусиқа асбоблари, 61 минг нусха ўқув қўлланмалари, миллий ва жаҳон мусиқаси ноталари билан таъминланди.

Ислом Каримов мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ишларини изчил давом эттириш, бунинг учун яхлит янги концепция ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Мусиқа ва санъат мактабларида миллий мусиқий меросимиз билан бирга, жаҳон мумтоз композиторлари ижодини ҳам ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Жисмоний ва маънавий етуклик — инсоннинг икки қаноти. Спорт танани чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа дидни тарбиялайди, маданиятни оширади. Спорт билан шуғулланган бола ўзига ишонади, санъатга ошно одамнинг дунёқараши кенг бўлади. Бундай ёшлар жамиятни бойитади, ҳеч қачон адашмайди.

Соғлом бола йили — 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

"Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, спортга кенг жалб этилмоқда. Бундай хайрли ишлар самарасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсони бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоиз камайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мажлисда спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари атрофлича таҳлил этилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга янада кенгроқ жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2014 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 115 болалар спорти объекти, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,8 соатни ташкил этмоқда.

Болалар спорти объектлари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Қизларимиз учун миллий менталитетимизга хос кийимлар тайёрланмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Давлатимиз раҳбари Жамғарма фаолиятини замон талаблари асосида янада ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Замон ўзгаргани сари талаб ҳам, рақобат ҳам ўзгариб бораверади. Шу боис спортни ривожлантириш борасидаги ишларимизга танқидий кўз билан қарашимиз, замон билан ҳамқадам бўлмоғимиз зарур.

Мамлакатимиз спортчилари 2016 йилги ёзги Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу борадаги ишлар замонавий асосда олиб борилмоқда.

Спортчиларимизнинг ғалабалари спортни кенг оммалаштиришда муҳим ўрин тутади. Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, байроғимизни баланд кўтариб, қувончдан кўзига ёш олган йигит-қизларни кўрганда ота-оналарда, болаларда ҳам спортга ҳавас уйғонади. Бундай ғалабалар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, профессионал спортчиларни тайёрлаш ва халқаро мусобақаларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир спорт тури учун махсус мажмуа бўлиши керак. Шу мақсадда барча вилоятларда халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрлайдиган мажмуалар барпо этиш зарур. Уларга энг малакали мураббийларни, керак бўлса, хориждан мутахассисларни жалб этиш, спорти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш лозим, деди Президентимиз.

Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов, халқ таълими вазири У. Иноятов, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э. Искандаров, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси М. Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

---

### 29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли ва дастури чоп этилмоқда.

**2-саҳифага қаранг.**

---

# Эзгулик тараннуми

*Ватанга муҳаббат туйғусининг мўъжизакор куч-қудрати эзгуликлар яратишга қодир. Юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик, жамиятдаги ўзгариш ҳамда янгиланишларнинг асосий манбаи ҳам шу, аслида!*

### «НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?»

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остида бўлиб ўтган ижодий учрашувда иштирок этган Оролбўйи минтақаси ёшлари буни яна бир бор теран ҳис қилганлари, шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда келажагимиз эгаларини юртга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, эзгу ғоя ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш каби мавзуларда сўз юритилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мақсет Ўтемуратов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Ойбек Алимов ва бошқалар ижросидаги куй-қўшиқлар йигит-қизлар қалбига олам-олам қувонч бахш этди.

— Нукусга келганимда, ҳар гал янги-янги ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан, — дейди хонанда Ойбек Алимов. — Бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик ва ободликнинг ёрқин мевасидир. Бугун, айниқса, қорақалпоқ ёшларининг ёниб турган кўзларини, ғайрат-шижоатини кўриб, истиқболимиздан кўнглимиз тўқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Тадбирда Ватан, истиқлол, ёшлик, дўстлик тушунчаларини мадҳ этувчи дилтортар наволар янгради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Келгуси ишлар дастурининг лойиҳаси муҳокама этилди



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ҳамда қўмиталарнинг мажлислари бўлиб ўтди.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Депутатлар Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастурининг лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу Дастур Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида"ги қўшма қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Парламент аъзолари улар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароитларда ишлашларига тўғри келишини таъкидладилар. Шу муносабат билан парламент қуйи палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштиришга, демократик жараёнларнинг ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилишини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Дастурни ишлаб чиқиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган энг муҳим вазифалар ўз аксини топди.

**(Давоми 3-бетда).**

---

МУВАФФАҚИЯТ

# Йигирма мингинчи автомобиль




*Самарқанд автомобиль заводида йигирма мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали тадбир бўлиб ўтди.*

*Айтиш жоизки, сиқилган табиий газ билан ишлайдиган "Isuzu NPR82" русумли машина заводнинг 20 000-автомобили сифатида қайд этилди.*

Ушбу автомобилнинг тақдимот маросимида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Isuzu Motors", "Itochu Corporation" компаниялари вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар бундай автоуловлар юқори техник хусусияти ҳамда замонавий дизайни билан Ўзбекистон автомобиль саноати бозорини ривожлантириш ва иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишини алоҳида таъкидладилар.

**(Давоми 3-бетда).**

## 29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



**ҲОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВ**

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов 1969 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган.

Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, 1993 йилда Андижон давлат тиллар педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги 28-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995 — 2004 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2004 — 2013 йилларда Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

Бу даврда Ҳотамжон Кетмонов вилоятда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг марказда ва жойлардаги ташкилий кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада оширди, партия электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

## ДАСТУР

Мазкур дастурда, Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга содиқлик каби эзгу мақсадлар мужассамлашган.

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устувор йўналишлар, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Биз **аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз**. Хусусан, қуйидагилар таклиф этилади:

— муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш. Улар қаторига, авваламбор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади;

— касб-ҳунар коллежи битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

— истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш;

— тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларига таълим контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш;

— муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш;

— олий ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш.

**Кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур.** Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам, асосан, кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш;

— адолат ва меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кенг қўллаган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш;

— ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш;

— кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврдаги тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз бизнесини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш;

— ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш;

— уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий тураржой фондини шакллантиришга йўналтириладиган давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

— тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш;

— табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чиқиндилар ва ҳ.к.).

**Иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз** бу — давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, авваламбор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдан иборатдир. Шу боис иқтисодий соҳада қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

— бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплекслари иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг қўшимча омилига айланишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарини улар томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

— ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиришга эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришда рағбатлантиришни кучайтириш.

**Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат марказимиздадир.** Мазкур соҳада, жумладан, қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

— имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш;

— фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш.

**Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади.** Ушбу мақсадда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфаол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш;

— фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Ташқи сиёсат фаолияти масалаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда**:

— Ўзбекистоннинг яқин қўшниларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсатни юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

* * *

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

# Келгуси ишлар дастурининг лойиҳаси муҳокама этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастурни ишлаб чиқишда парламент сиёсий партиялари фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ва қўмиталарнинг таклифлари ҳамда тавсиялари ҳисобга олинди.

Мажлисда **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари таъкидладиларки, 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастури партиянинг Сайловолди платформаси вазифаларига мос тушади ҳамда партия, фракция ва электорат манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг рўёбга чиқарилиши устидан парламент назоратини янги босқичга кўтаришга кўмаклашади.

Алоҳида қайд этилдики, дастур лойиҳаси бир қатор муҳим масалаларни, шу жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, хусусий мулкни ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ижро этилишини ўрганишни назарда тутади. Фракция аъзолари дастур лойиҳасига қўшимча таклифларни ишлаб чиқдилар.

Ҳужжатни муҳокама этиш чоғида **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари дастур лойиҳасига фракция томонидан таклиф этилган қонун лойиҳалари ва парламент назоратини амалга оширишга доир тадбирлари киритилганлигини таъкидладилар.

Фракция "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги ва бошқа муҳим қонун лойиҳаларининг тайёрланишида ҳамда қабул қилинишида фаол иштирок этишни мақсад қилган.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси**дан сўзга чиққанлар, умуман, Дастурни қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг айрим йўналишлари юзасидан бир қанча танқидий фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Жумладан, айрим қонун лойиҳаларини ва назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш муддатларини кўриб чиқиш талаб этилади. Фракциянинг фикрича, ушбу лойиҳа ҳамда тадбирларни ҳозирги босқичда парламент олдида турган демократик ислоҳотлар ва мамлакатимизни модернизация қилиш талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг зарурлиги нуқтаи назаридан пухтароқ ва чуқурроқ ўрганиш лозим.

Шунингдек, партиянинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, Дастурнинг айрим қоидаларини такомиллаштириш юзасидан ҳам таклифлар билдирилди. Хусусан, давлат ва жамият томонидан мақсадли ижтимоий ҳимояга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож инсонларни, шу жумладан, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг энг муҳим йўналишларини рўёбга чиқариш учун жавобгар давлат бошқаруви органларининг фаолияти устидан парламент назоратини тубдан яхшилашга қаратилган қонун ижодкорлиги ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда улар бевосита таъсир кўрсатадиган қонунларни қабул қилиш, уларни бузганлик учун жавобгарликнинг самарали механизмларини яратиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятида, ҳукумат аъзолари, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг мамлакатимиз социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир маърузаларини эшитиш масалалари бўйича қарорларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирок этиш механизмлари самарадорлиги оширилишини таъминлаш зарур.

Қолаверса, Ўзбекистон ХДП фракцияси олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг рўёбга чиқарилишини, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги ҳамда бир қатор бошқа муҳим қонунларнинг ижро этилишини парламент томонидан назорат қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари дастур лойиҳасини муҳокама этишда қабул қилинган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга таъсирини, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрганишга қаратилган ўзаро алоқанинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда қонун лойиҳалари устида иш олиб боришга кўпроқ эътибор қаратишни таклиф этдилар. Шу муносабат билан улар парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши билан боғлиқ депутатларнинг ишларини ёритиб боришга оммавий ахборот воситаларини фаол жалб қилишга қаратилган бир қатор тадбирларни рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Дастурнинг асосий қоидаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама этиш жараёнига кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда, қонун лойиҳаларини палата томонидан ижтимоий экспертизадан ўтказиш, аҳолига уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини маромига етказиш жараёнида кенг жамоатчилик вакилларидан фойдаланилиши мумкин бўлган таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар олиш лозимлигини билдирдилар. Фракция аъзоларининг фикрича, янги қабул қилинган қонунларнинг самарали рўёбга чиқарилишини таъминловчи қонуности ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш устидан парламент назоратининг самарали механизмини ҳам яратиш зарур.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи** ҳам Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастурининг лойиҳасини муҳокама қилди.

2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастурининг лойиҳаси парламент қуйи палатаси қўмиталарининг мажлисларида ҳам кўриб чиқилди.

Мажлислар иштирокчилари ушбу ҳужжат депутатларга юқорироқ талабларни қўядиган янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шарт-шароитда ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар. Сўзга чиққанлар қабул қилинаётган қонунларга уларни рўёбга чиқариш бўйича аниқ механизмларни киритиш, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунлар моддаларининг ўз вақтида, кенг қамровли рўёбга чиқарилишини таъминлаш орқали қонунлар ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг таъсирини оширишни таклиф этдилар.

Шунингдек, депутатлар хорижий ҳуқуқий амалиётни ҳар томонлама ва чуқур қиёсий-таҳлил қилиш асосида қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилаш, давлат бошқарувининг турли бўғинларида, фуқаролик жамияти институтларида қонун лойиҳаларининг янада самарали муҳокама қилинишини ташкил этиш лозимлигини билдирдилар. Давлат бошқаруви органларининг фаолияти, қабул қилинаётган қонунларнинг, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларининг сўзсиз ижро этилиши устидан парламент назоратини яхшилаш Қонунчилик палатаси келгуси фаолиятининг муҳим йўналишига айланади. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга эришиш зарур.

Муҳокамалар якунларига кўра, қўмиталар аъзолари дастур лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқдилар ҳамда ишчи гуруҳга билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда ҳужжатни маромига етказишни таклиф этдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

*Шу кунларда мамлакатимизда Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида жойларда шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган турли адабий-бадиий кечалар, тадбирлар ўтказилмоқда. Мазкур қарор Зулфиянинг ҳаёт ва ижод йўлини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Зулфиянинг ижоди, жамоатчилик фаолияти энг нозик қалб туғёнлари, юксак маънавий фазилатларни ўзида мужассам этган. Ўзбек шоирасининг қудратли ва теран сўзи, мана, неча йилдирки, ўз таъсир кучини йўқотмасдан келаяпти. Севимли шоирамиз ижоди бугун замондошларимизни нафақат яхши она ва рафиқа, балки бекиёс янгиланишлар, улкан бунёдкорликларнинг фаол иштирокчиси бўлишга руҳлантирмоқда.

Шоира ижоди, унинг ҳаёт йўли ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аёллар ҳаракатини ривожлантиришнинг тимсолига айланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш борасида бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилди. Ушбу қоида республикамизнинг барча ҳуқуқий ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ҳар йили юртимизда муайян ижтимоий йўналишда эълон қилинадиган Давлат дастурида аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, 1999 йилга Ўзбекистонда, "Аёллар йили" деб ном берилди. Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилган кенг миқёсли ишлар қаторида уларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор янада кучайтирилди. Ўша йили Президент Фармони билан аёлни ардоқлаш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

Мазкур мукофот аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган, мустақиллик ғояларини амалга ошириш йўлида бор куч-ғайрати билан ҳаракат қиладиган, истеъдодли қизларга адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги катта ютуқлари учун берилади. Бугунги кунда унга сазовор бўлган 200 нафардан зиёд қиз нафақат танлаган соҳаларида фаол меҳнат қилаяпти, балки тенгдошларига ўқишда, ишда, фанда, таълимда муваффақият қозонишларига ёрдам бермоқда.

2004 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Унга мувофиқ, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш, хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш қўмита ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари сифатида белгиланди.

Ўтган йиллар давомида Хотин-қизлар қўмитаси аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритаётган юзлаб нодавлат нотижорат ташкилотларини ўз атрофига бирлаштирди. Ҳозирги кунда улар нафақат жойларда муҳим лойиҳаларини рўёбга чиқараётир, балки ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда давлат органлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келаяпти.

Аёл — энг аввало, она. У саломат экан, фарзанд ҳам соғ бўлади. Бинобарин, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида ишлаб чиқилган ўзига хос тизим бугун салмоқли натижалар бераяпти. 2011 йилда Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киритилгани бунинг ёрқин далилидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида кўпгина мамлакатларда аёллар жамиятнинг энг кўп ижтимоий кўмакка муҳтож қатламига айланди, ишсиз, ижтимоий кафолатларсиз, давлат ёрдамисиз қолиб кетишди. Юртимизда эса Инқирозга қарши чоралар дастурига аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири сифатида киритилган.

Пировардида аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллиги янада ошди. Давлат томонидан хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратиш, бизнес-таълим йўналишида турли институтлар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида маслаҳат марказларини ташкил этиш қўллаб-қувватланиши натижасида тадбиркор аёллар сони сезиларли даражада ўсди. Уларнинг даромадлари, ўз навбатида, оилалар фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим асосига айланди. Шулар қаторида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида камида 50 фоиз ишчи-хизматчилари хотин-қизлардан иборат бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани 2014 йилда амалга оширилган муҳим ишлардан бири бўлди.

Янгидан сайланган мамлакат парламентида айни пайтда 41 нафар, жумладан, Олий Мажлис Сенатида 17 нафар аёл фаолият юритмоқда. Зеро, замонавий мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг роли тобора юксалиб бораяпти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда аёллар — иқтидорли раҳбар, уддабурон тадбиркор, аҳоли манфаатларини муҳофаза қиладиган ижтимоий ва сиёсий давлат арбобидир. Шунга мос равишда "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарор нафақат аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишда навбатдаги қадам бўлди, айни чоғда севимли шоирамизнинг ёш авлодни ўз Ватанини жондан ортиқ кўрадиган, замонавий фикрлайдиган инсонлар сифатида тарбиялашга қўшган бебаҳо улуши эътирофи ҳамдир.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Йигирма мингинчи автомобиль

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Самарқанд автомобиль заводининг йигирма мингинчи автомобили ишлаб чиқарилганлиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда қатнашиш мен учун катта бахт, — дейди "Isuzu Motors" компанияси ижрочи президенти Таканобу Фурута. — Ушбу унутилмас рақамга сиқилган табиий газ ёрдамида ҳаракатланадиган автомобиль тўғри келгани қувонарлидир. Чунки бу машина экологик транспортларнинг янги авлоди сифатида барча талабларга жавоб беради.

Самарқанд автомобиль заводида сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқариш 2011 йилда йўлга қўйилган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган лойиҳа доирасида завод 2014 — 2015 йилларда мингдан зиёд чиқинди ташиш автомобиллари ишлаб чиқаришга буюртма олди. Бундан ташқари, сиқилган табиий газда ишловчи яна уч хил кузовга эга автоуловлар — фургон, бортли ва ўзиағдаргичларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида юртимиздаги бир қатор ободонлаштириш бошқармалари ҳамда махсус санитар тозалаш хизматларининг автомобиль парки янгиланмоқда.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАДБИР

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан Олий хўжалик суди ҳамкорлигида "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлаш масалалари" мавзуида онлайн-видеоконференция ўтказилди.*

# Тадбиркорлар ҳуқуқларининг муҳим кафолати

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, UZINFOCOM маркази, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, юқорида қайд этилган идораларнинг жойлардаги вакиллари ва тадбиркорлик субъектлари қатнашди.

Видеоконференцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида "бир дарча" тамойили, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун интерактив хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш жорий қилинди. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари тоифаси, уларга бериладиган имтиёзлар кенгайтирилиб, фаолиятини қонуний чеклаш маъмурий органлардан суд ваколатига ўтказилди, ноқонуний текширишлар учун жавобгарлик кучайтирилди, молия-хўжалик фаолиятига давлат идоралари аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қайд этилишича, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлаш прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур соҳада қонунчиликнинг аниқ ҳамда сўзсиз ижросини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида ушбу идоралар мансабдор шахсларининг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунлари бўйича тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлашга қаратилган масалаларни самарали ҳал этишга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

**Бош прокуратура**
**Матбуот хизмати.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛДАН 20 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 10 февралдаги 01-02/8-11-сонли «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-3 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 7 февралдаги 01-02/19-09-сонли «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1803-1 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мҳ, 22-сонли «Ўқувчиларга синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 февралдаги 10, 288-В-2-сонли «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-2 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 3 февралдаги 01/20-26/05-сонли «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-7 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 10 февралдаги 9, 90, 2015-4-сонли «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-4 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 16 февралдаги 12, 2015-8-сонли «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2095-3 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 17 февралдаги 01/10-26/05, 14-сонли «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус паркларининг давлат акция пакетларини ёпиқ кимошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1715-1 (2015 йил 23 февралдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 18 июндаги 01/10-18/09, 52-сонли «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус паркларининг давлат акция пакетларини ёпиқ кимошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. (рўйхат рақами 1715, 2007 йил 7 сентябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 20 февралдаги 58-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 4 июндаги 04-1393-сонли «Ходимларга малака тоифаси бўйича ҳақ тўлаш юзасидан тушунтиришлар ўтказиш тўғрисида»ги хати.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**

Эълон

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 декабрдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган қўй қўраси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Думалоқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 0,088 гектар, қурилиш ости майдони 743,86 кв.м., фойдаланиш майдони 925,86 кв.м. бўлган «Феруза» тўйхонаси гузари бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 275 428 630,22 сўм.***

**3.** 2014 йил 19 июндаги 3424-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» ҚФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 145,17 кв.м., қурилиш ости майдони 94,60 кв.м. бўлган 2 қаватли коттеж.

***Бошланғич баҳоси — 284 446 973 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2014 йил 22 декабрдаги 19830-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Китве кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 48,1 кв.м., қурилиш майдони 60,5 кв.м. бўлган 2 хонадан иборат дўкон биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 41 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 12 март куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

267R/24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жамшид Миркомиловга қизи

**ДИЛНОЗАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти, меҳнат фахрийси

**Баҳодир Шоғиёсович**
**ШООРТИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси доценти ҳамда Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Абдусаттор Абдуғаффаровга волидаи муҳтарамаси

**САОДАТ онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚЎШМА ҲАМДА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**2014/2015 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ва магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг 25 февралидан 15 мартигача «Ёш мутахассис — 2015» тадбири ўтказилишини эълон қилади.**

**Ушбу тадбир орқали университетда назарий-амалий билимларни мукаммал эгаллаган, иш фаолиятини замонавий техника ва технологиялар ёрдамида бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил эта оладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин.**

**Университет раҳбарияти юқори интеллектуал салоҳиятга эга ёш мутахассисларни ташкилотингиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонади.**

***Маълумот учун телефон: (0-371) 246-62-15. Факс: (0-371) 246-83-43. Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. www.nuu.uz, marketing_nuuz@mail.ru***

## 2014/2015 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

### БАКАЛАВРИАТ

| Т/р | Таълим коди | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5111300 | Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда) | 22 | | | 1 | 2 | 2 | 1 | 3 | 4 | 1 | | | | 6 | 2 |
| 2. | 5111600 | Миллий ғоя; маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими | 141 | 3 | 5 | 5 | 8 | 6 | 1 | 12 | 26 | 8 | 19 | 4 | 6 | 28 | 10 |
| 3. | 5120101 | Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили | 82 | | 6 | 3 | 3 | 4 | 7 | 10 | 10 | 1 | 6 | 2 | 5 | 21 | 4 |
| 4. | 5120112 | Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили | 61 | 2 | | 3 | 4 | 1 | 5 | 3 | 2 | | 10 | 3 | 4 | 5 | 19 |
| 5. | 5120114 | Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили | 23 | | 1 | 1 | 4 | 1 | 1 | 2 | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 8 |
| 6. | 5120102 | Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили | 21 | 1 | 1 | | 1 | | | 1 | | | 3 | | | 3 | 11 |
| 7. | 5120113 | Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили | 21 | | 1 | 1 | 1 | 3 | | 2 | 3 | | 3 | | 3 | 2 | 2 |
| 8. | 5130100 | Математика | 69 | | 2 | 2 | 4 | 2 | 3 | 4 | 6 | | 6 | 1 | 8 | 15 | 16 |
| 9. | 5120300 | Тарих | 95 | 2 | 7 | 2 | 4 | 2 | 2 | 5 | 11 | 2 | 13 | 3 | 4 | 21 | 17 |
| 10. | 5120500 | Фалсафа | 25 | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 6 | | 1 | 1 | | 8 | 5 |
| 11. | 5120400 | Археология | 28 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 4 | 4 | 4 | 1 | 2 | 6 | 3 |
| 12. | 5210200 | Психология | 53 | | | | | 1 | 3 | | 1 | | 8 | 2 | 1 | 2 | 35 |
| 13. | 5210100 | Социология | 27 | | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 2 | | 2 | 2 | 3 | 4 | 8 |
| 14. | 5220100 | Журналистика | 76 | 1 | 2 | 5 | 3 | 1 | 4 | 7 | 5 | | 6 | 3 | 1 | 14 | 24 |
| 15. | 5220300 | Архившунослик | 38 | | 2 | | 2 | | 4 | 4 | 5 | 1 | 4 | 1 | 1 | 2 | 12 |
| 16. | 5230100 | Иқтисодиёт | 106 | 4 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 6 | 7 | 2 | 11 | 3 | 5 | 9 | 50 |
| 17. | 5230300 | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш | 22 | | | | 2 | 2 | | | | 7 | 2 | 1 | | 2 | 6 |
| 18. | 5240100 | Юриспруденция | 56 | | 2 | | | 2 | | 2 | 4 | 1 | 8 | 3 | 3 | 4 | 27 |
| 19. | 5140100 | Биология (турлар бўйича) | 151 | 7 | | 6 | 2 | 6 | 4 | 6 | 12 | 3 | 13 | 2 | 9 | 34 | 47 |
| 20. | 5520100 | Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича) | 49 | 1 | 2 | 2 | 1 | 4 | 2 | 4 | 4 | 1 | 4 | 6 | 1 | 1 | 16 |
| 21. | 5140200 | Физика | 67 | 3 | 1 | | 3 | 2 | | 6 | 3 | 1 | 6 | 1 | 5 | 16 | 20 |
| 22. | 5140300 | Механика | 28 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | | 3 | 1 | 1 | 11 | 4 |
| 23. | 5140400 | Астрономия | 26 | 1 | 1 | | | 3 | | 2 | 2 | 2 | 3 | | 1 | 8 | 3 |
| 24. | 5140500 | Кимё | 103 | 5 | 1 | 2 | 3 | 3 | 2 | 11 | 7 | 1 | 15 | 1 | 7 | 32 | 13 |
| 25. | 5140600 | География | 51 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 8 | 1 | 13 | 1 | 3 | 8 | 11 |
| 26. | 5140700 | Гидрометеорология | 30 | | | 1 | 4 | 1 | | 3 | 5 | 1 | 4 | | | 2 | 9 |
| 27. | 5140800 | Геология | 67 | 3 | | 1 | 5 | 4 | 1 | 3 | 10 | 1 | 6 | 5 | | 16 | 12 |
| 28. | 5130200 | Амалий математика ва информатика | 79 | 4 | 3 | 5 | | 4 | 2 | 5 | 7 | 1 | 7 | 3 | 13 | 9 | 16 |
| 29. | 5311500 | Геодезия, картография ва кадастр | 62 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 2 | 4 | | 14 | 2 | 2 | 9 | 22 |
| 30. | 5141100 | Гидрология | 23 | | | | 3 | | | 3 | 6 | | 4 | 1 | 1 | 2 | 3 |
| 31. | 5141000 | Тупроқшунослик | 20 | | 1 | | | | | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | 9 | 2 |
| 32. | 5140900 | Геофизика | 24 | | | 3 | | 1 | | | 3 | | 3 | 5 | 2 | 3 | 4 |
| | | **Жами** | **1746** | **39** | **43** | **50** | **67** | **61** | **51** | **113** | **171** | **40** | **203** | **60** | **94** | **313** | **441** |

### МАГИСТРАТУРА

| Т/р | Таълим коди | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5А111601 | Маънавият асослари | 7 | | | 1 | | | 1 | | | 1 | | 2 | 1 | | 1 |
| | 5А120101 | Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича) | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | рус адабиёти | 4 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 2 |
| 3. | | ўзбек адабиёти | 8 | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | 1 | | 3 | 1 |
| | 5А120102 | Лингвистика (тиллар бўйича): | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | | ўзбек тили | 11 | | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | | | 6 | 1 |
| 5. | | инглиз тили | 21 | 2 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | | 1 | 5 | | 2 | 6 |
| 6. | | рус тили | 3 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | 1 |
| 7. | | немис тили | 5 | | | | | | | 1 | | | 1 | | 2 | 1 | |
| 8. | | француз тили | 6 | | | 1 | | 2 | | | | | 1 | | | | 2 |
| 9. | 5А120201 | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) | 11 | | 2 | | | | | | | | | 1 | 2 | | 6 |
| 10. | 5А120301 | Ўзбекистон тарихи | 10 | | | | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 |
| 11. | 5А120302 | Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) | 10 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 4 | |
| 12. | 5А120303 | Давлат бошқаруви ва ҳудудий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича) | 10 | | | | | | | | 3 | 2 | | | 1 | 2 | 2 |
| 13. | 5А120304 | Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича) | 5 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 3 |
| 14. | 5А120401 | Археология | 7 | | | | 1 | | | | | 3 | 1 | | 2 | | |
| 15. | 5А120402 | Этнология, ижтимоий (маданий) антропология | 3 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | | |
| 16. | 5А120501 | Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича) | 9 | | 1 | | 2 | 1 | | | | | 2 | 1 | 1 | | 1 |
| 17. | 5А120502 | Фалсафа (қўллаш соҳаси) | 6 | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | 2 | | | 1 |
| 18. | 5А120503 | Этика ва эстетика | 9 | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 1 |
| 19. | 5А120504 | Мантиқ | 8 | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | 2 |
| 20. | 5А130101 | Математика (йўналишлар бўйича): | 18 | 1 | | 2 | | 1 | 3 | 1 | 2 | | 2 | | 2 | 4 | |
| 21. | 5А130102 | Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика | 9 | | | 2 | | | 1 | | 1 | | | | 2 | 1 | 2 |
| 22. | 5А130103 | Математик физика | 11 | 1 | | | | 3 | 1 | | 2 | | 1 | | | 2 | 1 |
| 23. | 5А130202 | Амалий математика ва ахборот технологиялари | 9 | | | | | | | | 1 | | 1 | | 3 | 1 | 3 |
| 24. | 5А140101 | Биология (фан йўналишлари бўйича) | 25 | 2 | | 1 | | | | 3 | | 1 | 2 | | 5 | 5 | 6 |
| 25. | 5А140102 | Тиббий микробиология ва вирусология (фан йўналиши) | 7 | | | | | | | 1 | | | | | 2 | 1 | 3 |
| 26. | 5А140103 | Ихтиология ва гидробиология | 5 | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 2 |
| 27. | 5А140104 | Биотехнология | 8 | | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 |
| 28. | 5А140105 | Биофизика | 8 | | | | | 1 | | | | | 3 | | 1 | 2 | 1 |
| 29. | 5А140106 | Биокимё | 6 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 3 | 1 |
| 30. | 5А140107 | Генетика | 6 | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 31. | 5А140201 | Назарий физика | 5 | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 32. | 5А140202 | Физика (йўналишлар бўйича) | 16 | | | | | 1 | 3 | | 1 | | 2 | 2 | 3 | 4 | |
| 33. | 5А140203 | Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш | 6 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | |
| 34. | 5А140204 | Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича) | 8 | | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | 2 | 2 | 1 |
| 35. | 5А140205 | Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси | 6 | | | 1 | | | | | 2 | | 1 | | 1 | 1 | |
| 36. | 5А140301 | Назарий механика | 3 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | |
| 37. | 5А140302 | Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси | 3 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 1 |
| 38. | 5А140401 | Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича) | 7 | | | | | | 1 | | 1 | 1 | 3 | | 1 | | |
| 39. | 5А140501 | Кимё (фан йўналиши бўйича) | 36 | 1 | 1 | 3 | 1 | 1 | 2 | 6 | 1 | 3 | 4 | 2 | 3 | 5 | 3 |
| 40. | 5А140503 | Нефть ва табиий газ кимёси | 12 | | | 4 | 2 | | | 2 | 1 | | 1 | | | 1 | 1 |
| 41. | 5А140602 | География (ўрганиш объекти бўйича) | 7 | 1 | | | 2 | 1 | | | | | 1 | | | | 2 |
| 42. | 5А140701 | Метеорология ва иқлимшунослик (фаолият тури бўйича) | 7 | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | |
| 43. | 5А140702 | Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) | 10 | | | | | 1 | | 3 | 2 | | | 1 | | | 3 |
| 44. | 5А140801 | Геология (фан йўналиши бўйича) | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 |
| 45. | 5А140804 | Минералогия, кристаллография, петрография | 3 | 1 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | |
| 46. | 5А140806 | Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш | 8 | | | 3 | | | | | | 1 | | | | 2 | 2 |
| 47. | 5А140901 | Геофизика | 5 | | | | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 |
| 48. | 5А141001 | Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича) | 4 | | | | | | | | | 2 | | | | 1 | 1 |
| 49. | 5А141002 | Экспериментал агрокимё | 7 | | | | | | | | 1 | 2 | | 1 | | 3 | |
| 50. | 5А141102 | Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича) | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 |
| 51. | 5А210101 | Социология (йўналишлар бўйича) | 5 | | 1 | | | | | | | | 1 | 2 | | | 1 |
| 52. | 5А210201 | Психология (йўналишлар бўйича) | 14 | | 1 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 7 |
| 53. | 5А220101 | Журналистика (фаолият турлари бўйича) | 3 | | | | | | | | | | 1 | | 2 | | |
| 54. | 5А220101 | Олий журналистика курслари | 36 | 1 | 1 | 3 | 1 | | 1 | 4 | 1 | 1 | 5 | 2 | 1 | 9 | 6 |
| 55. | 5А220103 | Телевидение ва радиоэшиттириш | 6 | | | 1 | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 |
| 56. | 5А220104 | Ноширлик иши ва муҳаррирлик | 6 | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 2 |
| 57. | 5А220202 | Ахборот хизматлари технологиялари (фаолият тури) | 5 | | | | | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | |
| 58. | 5А230102 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 9 | 1 | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | | 1 | 4 |
| 59. | 5А230103 | Макроиқтисодиёт | 7 | | | | | | | 2 | | | | | | | 5 |
| 60. | 5А230110 | Меҳнат иқтисодиёти | 8 | | | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 2 |
| 61. | 5А310108 | Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги | 6 | | | | | 1 | | 1 | | | | 2 | | 1 | 1 |
| 62. | 5А311502 | Геодезия ва картография (функциялари бўйича) | 13 | | 1 | | 1 | | | | 2 | | 1 | | | 4 | 4 |
| 63. | 5А311703 | Фойдали қазилма конларини қидириш ва хариталаш усуллари (усуллар бўйича) | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 |
| 64. | 5А330201 | Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти (тармоқлар бўйича) | 18 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 4 | 3 | 3 |
| 65. | 5А330301 | Криптография ва криптоанализ | 4 | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | |
| 66. | 5А330302 | Ахборот хавфсизлиги | 5 | | 2 | | | | | 1 | 2 | | | | | | |
| | | **Жами** | **569** | **15** | **14** | **31** | **22** | **21** | **23** | **41** | **39** | **26** | **55** | **33** | **53** | **88** | **108** |

Реклама ўрнида

242/139/141



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5